


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 27 октябрь, № 212 (6647) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

*2016 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.*

Шавкат Мирзиёев Гурбангули Бердимуҳамедовни Туркманистон мустақиллигининг 25 йиллик шонли санаси муносабати билан чин қалбдан самимий табриклаб, унга давлат раҳбари сифатидаги масъулиятли фаолиятига янги муваффақиятлар, дўст туркман халқига фаровонлик ва бардавом тараққиёт тилади.

Ўз навбатида Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов самимий қутловлар учун чуқур миннатдорлик билдириб, қардош Ўзбекистон халқига тинчлик, осойишталик ва равнақ тилаган шахсий истакларини изҳор этди.

Суҳбат чоғида тарихан қисқа вақт ичида Туркманистон кенг кўламли социал-иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий-сиёсий ўзгаришларнинг пухта ўйланган стратегиясини амалга оширгани туфайли истеъдодли ва меҳнатсевар туркман халқи фаровонлигини муттасил юксалтириш, маънавий янгиланиш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакат нуфузини ошириш борасида салмоқли ютуқ ва марраларга эришгани таъкидланди.

Халқларимизни кўп асрлик самимий дўстлик ва қардошлик, яқин қўшничилик ришталари, муштарак анъана, урф-одат ва маданий қадриятлар боғлаб туради. Бу узоқ муддатли, кенг қамровли ҳамкорликни янада ривожлантириш ва кенгайтириш учун мустаҳкам ва барқарор асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Туркманистон раҳбарлари яқинда турли даражада ўтказилган икки томонлама учрашувлар доирасида сиёсий-дипломатик, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг устувор йўналишлари бўйича эришилган келишувлар ижроси қандай бораётгани хусусида фикр алмашдилар.

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон билан Туркманистон дўст халқларимиз фаровонлиги, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида кенг кўламли ўзаро ҳамкорликни ҳамда долзарб халқаро масалалар юзасидан амалий, ишончли ва очиқ мулоқотни изчил давом эттиришга тайёрлигини билдирдилар.

**ЎзА.**

# ИНВЕСТИЦИЯ ВА КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР

## иқтисодиёт тармоқлари равнақига хизмат қилмоқда



*Энергетика иқтисодиётнинг изчил ҳаракатини таъминлайди. Бинобарин, фаолияти электр энергияси билан чамбарчас боғлиқ бўлмаган бирор-бир соҳа йўқ. Шу боис мамлакатимизда аҳоли ҳамда иқтисодиёт тармоқларига узлуксиз равишда электр қувватини етказишга бирламчи эътибор қаратилаяпти. Жумладан, янги электр станциялари барпо этиш баробарида, мавжудлари модернизация қилинмоқда.*

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Бундай лойиҳалар тизимдаги йирик саноат субъектларидан бири — Тахиатош иссиқлик электр станциясида ҳам амалга оширилаяпти. Умумий қуввати 730 МВт бўлган мазкур корхонада йилига 3,2 миллиард киловатт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолиси, шунингдек, ушбу ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий соҳа объектлари, саноат корхоналарига етказиб берилади.

Ўтган йили бу ерда белгиланганидан кўп, яъни 3 миллиард 214 миллион киловатт/соатдан зиёд электр энергияси ишлаб чиқарилган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида бу кўрсаткич 2 миллиард 176 миллион киловатт/ соатни ташкил этди.

Кейинги йилларда корхонада технологик жараёнда тежамкорликка эришиш, бунинг учун истиқболли лойиҳаларни рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг 2015 йил 18 июндаги қарорига мувофиқ, 230 — 280 МВт қувватдаги иккита буғ-газ қурилмасини қуриш инвестициявий лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда.

— Умумий қиймати 678,2 миллион АҚШ долларига тенг бўлган лойиҳа 2015 — 2021 йилларга мўлжалланган, — дейди “Тахиатош ИЭС” акциядорлик жамияти бош директори Бахит Мадреимов. — Бунинг натижасида нафақат хом ашё тежалади, балки электр энергияси ишлаб чиқариш қуввати ошади.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакатимиз Бош вазири Шавкат Мирзиёев корхонамизга ташрифи чоғида мазкур лойиҳани амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар билан танишар экан, унинг ўз муддатида ва сифатли бажарилиши юзасидан тегишли кўрсатмалар берди.

Дарҳақиқат, ушбу истиқболли лойиҳанинг энергетика тизимидаги аҳамияти жуда юқори. Жумладан, у тўлиқ рўёбга чиқарилгач, корхона қуввати 230 — 280 МВтга кўпаяди. Табиий газ сарфи 488 миллион куб метрга камаяди. Пировардида станциянинг умумий қуввати 930 МВтга етиб, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 3,3 миллиард киловатт/соатдан ошади.

Бу эса лойиҳа қимматбаҳо ресурсларни тежаш баробарида, электр энергиясига бўлган эҳтиёжни қондиришга ҳам хизмат қилиб, аҳоли турмуши янада фаровонлашади, деганидир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ТЎҒРИСИДА

*2016 йил 26 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев ўртасида Қирғизистон томонининг ташаббуси билан телефон орқали мулоқот бўлиб ўтди.*

Давлат раҳбарлари Ўзбекистон ва Қирғизистон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари тўғрисида атрофлича фикр алмашиб, ўзаро муносабатларнинг бир қатор асосий йўналишларида ижобий ўзгаришлар юз бераётганини алоҳида қайд этдилар.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, Фарғона водийсининг чегарадош вилоятлари раҳбарлари ва кенг жамоатчилиги иштирокида Андижон ва Ўш шаҳарларида ўтган Ўзбекистон ҳамда Қирғизистоннинг нуфузли делегациялари учрашувлари кўп асрлик анъанавий дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини, халқларимиз ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди.

Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш бўйича икки мамлакат ваколатли органлари биргаликда олиб бораётган ишларнинг муваффақиятли якунланишидан томонлар бирдек манфаатдор эканини таъкидладилар.

Давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган қатор минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон раҳбарлари қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида кўп қиррали ва узоқ муддатли муносабатларни, минтақамизда барқарорлик ва хавфсизликни янада мустаҳкамлаш мақсадида бундан буён ҳам турли даражадаги ўзаро алоқаларни давом эттириш ва рағбатлантиришга келишиб олдилар.

**ЎзА.**

## Фракциялар 2017 йилги Бюджетнома ҳамда Бандлик дастури лойиҳаларини муҳокама қилди

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда 2017 йил учун Ўзбекистон Республикаси Бюджетномаси, шу жумладан, Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури лойиҳалари муҳокама этилди.*



**Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади**

Муҳокамалар жараёнида фракциялар 2017 йилги Бюджетнома лойиҳасини тўлиқ маъқуллаб, ўз нуқтаи назарларини келишиб олдилар.

Депутатлар мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи, мамлакат Бош вазири Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталарининг жорий йил 8 сентябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган устувор йўналишлар, қолаверса, охирги пайтларда қабул қилинган Президент Фармон ва қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилганлигини таъкидладилар.

**Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси** аъзолари келгуси йилги бюджет лойиҳасида 2017 йил солиқ сиёсатида солиқ юкини янада пасайтириш, солиқ тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмурчилигининг яхшиланиши кўзда тутилаётганига алоҳида эътибор қаратдилар. Келгуси йилда мамлакат иқтисодиётига солиқ юкининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан жорий йилдаги 20,2 фоиздан 18,9 фоизгача камайтирилиши кўзда тутилмоқда.

Энг муҳими, 2017 йилда иқтисодиётнинг устувор тармоқларини янада ривожлантиришни таъминлаш мақсадида келгуси йилда амал қилиш муддати тугаётган солиқ имтиёзларининг муддатини узайтириш таклиф этилаяпти.

(Давоми 3-бетда).

## Бағрикенглик ва ғамхўрликнинг юксак намунаси

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли бугун барча соҳада салмоқли ютуқ ва натижаларга эришилмоқда. Буни фуқаролар сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

ҚАРОР ВА ИЖРО

Бунда жиноят қонунчилиги изчиллик билан либераллаштирилаётгани ҳам муҳим омил бўлаётир, десак, айни ҳақиқат. Зеро, унинг моҳиятига инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари сингдирилган бўлиб, бу орқали жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш ҳамда уларни тўғри йўлга бошлаш мақсади ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг тақдимномасига биноан, жорий йилнинг 12 октябрида Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида”ги қарор ҳам ана шу эзгу мақсадларга йўналтирилгани билан аҳамиятлидир.

(Давоми 2-бетда).

## БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ: ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

*Тошкент вилояти, Янгийўл туманида яшовчи Ҳикоят Раҳимқулованинг ўғли 1-гуруҳ ногирони бўлиб, хасталикдан азоб чекади. Шифокорлардан фарзандини Ҳиндистонда жарроҳлик амалиёти ўтказиб даволаш мумкинлигини билгач, харажатлар учун керак бўладиган хорижий валютани банкдан олиш ҳаракатига тушди. Ёрдам сўраб қилган мурожаатига «Асака» акциядорлик тижорат банки Тошкент вилояти филиали томонидан амалий ёрдам кўрсатилди.*

Мазкур мурожаат жорий йилнинг 26 сентябридан буён Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг ҳудудий ташкилотларида фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси орқали қабул қилинган эди.

Партиянинг барча ҳудудий ташкилотларидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси юқори тезликдаги интернет, турли алоқа воситалари, компьютер ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланган.

(Давоми 2-бетда).

МУНОСАБАТ

## Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида муҳим қадам

*Юртимизда мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ барча жабҳада қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш, инсонпарварлик негизига асосланган демократик қадриятларни қарор топтириш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланди.*

Бу стратегик вазифани ҳаётга татбиқ қилишда ўз ишини фақат қонунлар асосида, ҳар қандай тазйиқ ва босимлардан, тўрачилик ва маъмурий-буйруқбозликдан холи тарзда олиб борадиган, чинакам мустақил суд-ҳуқуқ тизимининг мавжудлиги ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, фуқароларнинг инсоний қадр-қиммати, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоялаш бу борадаги турли ғов ва тўсиқларни тўлиқ бартараф этишни тақозо қилади.

Таъкидлаш ўринлики, ўтган чорак асрда ушбу йўналишдаги ислоҳотлар собитқадамлик билан амалга оширилди. Суд-ҳуқуқ тизими илғор хорижий тажрибалар, халқимизнинг адолатпарварлик, бағрикенглик, кечиримлилик фазилатлари асосида такомиллаштирилди. Мамлакат Президентининг “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони мазкур жараённинг янги босқичини бошлаб берди.

Ушбу дастурий ҳужжат мамлакатни ривожлантиришнинг замонавий талаб ва стратегик устувор йўналишларига тўла мос келади. Фармон Конституциямизда белгилаб берилган судьялар мустақиллиги, уларнинг фақат қонунларга бўйсуниш принципларини кафолатлаш билан боғлиқ нормаларни янада мустаҳкамлади. Моҳиятига кўра, бунинг замирида одил судловга эришиш, фуқаролик жамиятининг асосий шарти — барчанинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бирдек ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсади мужассамдир.

(Давоми 2-бетда).

*Қишлоқ жойларда замонавий тураржой массивларини қуриш, оилаларни сифатли, шинам уй-жой билан таъминлаш чора-тадбирларининг рўёбга чиқарилиши, шубҳасиз, мамлакатимизда инсон манфаати, унинг фаровонлиги ҳамда қулай шарт-шароитда яшашини таъминлашда муҳим ўрин тутади.*

## Шинам, замонавий уй-жойлар — аҳоли фаровонлиги омили

Бинобарин, бугун қишлоқда умргузаронлик қилаётган инсонлар мамлакатимизда барча соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли чуқур таркибий ўзгаришларни ўз ҳаётида яққол ҳис этмоқда, Ватанимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси билан унинг ривожига ўз улушини қўшиш, келажакка ишонч билан қарашдек буюк мақсадларга интилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарори қишлоқларимиз ривожига, у ерда истиқомат қилаётган аҳолининг турмуш ва маиший шароитларининг янада ошишига, умуман айтганда, қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини яхшилашга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Шу ўринда дунёнинг бошқа давлатларида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир пайтда мазкур Дастурнинг мамлакатимизда муваффақиятли рўёбга чиқарилиши аҳолига кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликнинг ёрқин намунаси эканини алоҳида қайд этиш жоиз.

Қарорда қурилиш самарадорлигини оширишга, энергияни тежайдиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг янги турларидан кенг фойдаланишни кенгайтиришга, аҳолининг менталитети, реал эҳтиёжлари ва сотиб олиш имкониятларини, қишлоқ жойда яшашнинг ўзига хос хусусиятлари максимал равишда инобатга олинган ҳолда инновацион ёндашувлар назарда тутилгани эътиборга молик жиҳатлардан, десак, янглишмаймиз.

(Давоми 2-бетда).

# БОШ ВАЗИРНИНГ ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНАСИ: ҲАР БИР МУРОЖААТ ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ БОР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Келаётган мурожаатлар Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 20 сентябрдаги жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тубдан такомиллаштириш бўйича йиғилиши баёни билан тасдиқланган тартибда кўриб чиқилмоқда, — дейди ЎзЛиДеПнинг Тошкент вилояти кенгашидаги Ўзбекистон Республикаси Бош вазири қабулхонаси ҳуқуқшуноси Санжар Эвадиллаев. — Изчиллик билан амалга оширилаётган жараённинг биринчи босқичида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатини масъул ходим қабул қилиб, ахборот тизимига киритади. Иккинчи босқичда махсус ишчи гуруҳи ўргангач, тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларга мурожаат қилинмоқда.

Учинчи босқичда мурожаатлар вазирлик, идора ва ҳокимият органларида қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, кўтарилган масалалар ҳал этилмоқда. Бу ҳақда pm.gov.uz орқали ёки ёзма равишда тасдиқ олинади.

Тўртинчи босқичда ишчи гуруҳи томонидан икки иш кунида тегишли вазирлик, идора ва ҳокимликларнинг мурожаатларда кўрсатилган масалаларни ҳал этиш натижалари тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилади. Агарда муаммо юзасидан қониқарсиз қарор қабул қилинган бўлса, ариза Бош прокуратуранинг ахборот тизимига аризаларни кўриб чиқиш бўйича йўналтирилади.

ЎзЛиДеП қабулхонаси орқали ҳозирга қадар 1,8 мингдан зиёд мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 40 фоизи прописка, биопаспорт олиш ва фуқаролик масалаларига тааллуқли. Маълум қисмини содир этилган ўғирлик, фирибгарлик ҳолатлари, шунингдек, тергов ҳаракатларини амалга оширишда йўл қўйилган камчиликлар, ички ишлар органларига ишга кириш ва қайта тиклаш, банклардан сармоя олиш ва шу каби масалалар ташкил этаётир.

Айни вақтда мурожаатларнинг 1 минг 480 таси кўриб чиқиш жараёнида бўлса, 320 мурожаат юзасидан тушунтириш берилган. Қатор жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўлиқ қаноатлантирилган. Мисол учун, Қашқадарё вилояти, Косон туманида яшовчи фуқаро А. Асадовнинг «Qarshi Grand Tour» масъулияти чекланган жамиятига меҳмонхона фаолиятини ташкил этиш мақсадида инвентар ва жиҳозлар сотиб олиш учун йирик суммада узоқ муддатли кредит ажратиш масаласидаги қилган мурожаати ижобий ҳал этилди. Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида яшовчи фуқаро Т. Одиловнинг фермер хўжалигига тегишли ер майдони туман ҳокимлиги томонидан ноқонуний олиб қўйилганлигидан норози бўлиб ёзган мурожаати Тошкент вилояти прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилган.

Бу мисоллар Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далолатдир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# Мамлакатимиз жаҳон рейтингида ўн олти поғона юқорига кўтарилди

Буюк Британиянинг нуфузли "Charities Aid Foundation" жамғармаси томонидан мамлакатларда хайрия ишлари амалга оширилишини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқот (World Giving Index) якунларидан келиб чиқиб, жаҳоннинг янги рейтинги эълон қилинди.

**ЭЪТИРОФ**

Фахрланарли жиҳати шундаки, ушбу рўйхатда Ўзбекистон ўтган йилдаги кўрсаткичга нисбатан 16 поғона юқорилаб, 11-ўринда қайд этилган. Бу МДҲ мамлакатлари орасидаги энг яхши натижадир.

Рейтингни тузишда 140 давлатда олиб борилган ижтимоий сўров хулосалари асос қилиб олинган. Бунда фуқароларнинг хайрия тадбирлари, ҳомийлик ишларида иштирок этиши, кўмакка муҳтожларга ёрдам бериш ҳолатларига аҳамият қаратилган. Жамғарма ҳисоботига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг қарийб 52 фоизи турли хайрия ҳаракатида қатнашса, 67 фоизи бегона инсонга кўмак беришга тайёрдир. Шунингдек, 62 фоизи ҳомийлик тадбирларида иштирок этади.

Албатта, бу "Charities Aid Foundation"нинг хулосаси. Аслида инсонпарварлик, муҳтожларга меҳр-мурувват кўрсатиш, йиқилганни суяш, мискинларга қўлидан келган ёрдамни аямаслик каби ноёб фазилатлар халқимизнинг қон-қонига сингиб кетганки, бизнинг назаримизда, бундай олижаноб хислатлар кўпинча кўз-кўз қилинмайди. Ҳамиша яхшиликни ўйлаб яшаган, меҳр-оқибатни одатга айлантирган, фарзандига ҳам буни ўргатишни бурчи деб билган одамларимиз эзгуликни кимгадир кўрсатиш учун эмас, балки чин юракдан, беминнат адо этади, бундан чин маънода маънавий қониқиш ҳосил қилади. Айниқса, мустақиллик шарофати билан бебаҳо қадриятларимиз, миллий анъаналаримизга кенг йўл очилгач, ана шундай хайру саховат ишлари янги поғонага кўтарилди. Масалан, ҳар йили ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашарларида кексаю ёш ўз хоҳиш-иродаси билан кўчалар, хиёбонлар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ҳамда уларнинг ён-атрофини тартибга келтириш ишида қатнашади. Боғлар, гулзорлар, яшил ҳудудлар барпо этилади. Ёлғиз қариялар, ногиронлар, ўзгалар ёрдамига муҳтожлар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Бунда маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, саховатпеша инсонларнинг ташаббускорлиги алоҳида эътиборга лойиқ. Шуни ҳам айтиш керакки, бундай эзгу тадбирларни фақат ҳашар кунларида эмас, балки йил давомида кузатиш мумкин. Буларнинг барчаси халқимиз ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик ришталари ҳамда тинчлик-тотувлик муҳитининг мустаҳкамланишига хизмат қилаётгани билан қадрлидир.

"Charities Aid Foundation" жамғармасининг ўтган йилги рейтингида Ўзбекистон 27-ўринни эгаллаган эди.

**Шавкат ОРТИҚОВ.**

# Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясида муҳим қадам

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Албатта, фуқароларни ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлардан фақат қонунлар асосида иш кўрадиган, мустақил суд-ҳуқуқ тизими ҳимоя қилади. Шу маънода, Фармон асосида мазкур соҳани янада ислоҳ қилиш йўлида дадил қадам қўйилгани алоҳида эътирофга молик.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, касбий нуфузини ошириш, юқори малакали ва самарали фаолият юритувчи суд корпусини шакллантириш мақсадида илк бор судьяларнинг ваколат муддатлари қайта кўриб чиқилди. Хусусан, судьялик лавозимига биринчи маротаба беш йил муддатга ва кейин ўн йил муддатга, шундан сўнг муддатсиз тайинлаш (сайлаш)ни назарда тутувчи тартиб жорий этилди. 2017 йилнинг 1 апрелидан амалиётга жорий қилинаётган одил судлов самарадорлигини оширишга қаратилган қатор ўзгартишлар суд муҳокамасини фуқаролар манфаатлари устуворлиги принципи асосида, адолатли ўтказишни таъминлайди. Қамоқ туридаги жиноий жазо тури тугатилиб, унинг ўрнига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини, шунингдек, ярашув, "Хабеас корпус" институтини қўллаш доирасини кенгайтириш каби янгиликлар жиноий жазоларни либераллаштириш, ҳуқуқбузарларга нисбатан тарбиявий-тузатиш таъсир чораларининг илғор шакл ва услубларини татбиқ этиш имконини беради.

Фармонда назарда тутилган устувор йўналишлар бўйича комплекс чора-тадбирларни қамраб олган Дастурнинг ижрога йўналтирилиши, қолаверса, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида умумэътироф этилган халқаро стандартлар асосида "Жабрланувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Маъмурий судлов ишларини юритиш тўғрисида"ги каби қатор қонунларни қабул қилиш режалаштирилаётгани, албатта, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ривожидан кўзланган асосий мақсад рўёбига хизмат қилади.

Биз, Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳам бу жараённинг фаол иштирокчиси бўлиш баробарида, қонун устуворлиги йўлидаги давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш, бунинг учун тегишли қонун ҳужжатлари, дастурлар ижроси устидан парламент назоратини кучайтиришимиз зарур. Фармон мазмуни ва аҳамиятини, суд-ҳуқуқ тизимида жорий қилинаётган янги қоида ва нормаларни фуқаролар ўртасида кенг тушунтириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш саъй-ҳаракатларини жадаллаштириш демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида муҳим вазифаларимиздан ҳисобланади.

**Сайёра АБДИКАРИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Шинам, замонавий уй-жойлар — аҳоли фаровонлиги омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фуқароларимиз учун қулай имтиёзли кредитлаш тизимининг назарда тутилиши эса уларга, айниқса, ёш оилаларга қишлоқ ҳудудида арзон уй-жойга эга бўлиб, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришлари учун катта имкон яратади.

Қурилиш ишларининг жорий йилда бошланишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бу, ўз навбатида, яқин кунлар ичида фуқароларимизнинг шинам уй-жойларга эга бўлиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Ушбу лойиҳанинг самарали амалга оширилиши эса молия-банк тизимининг барқарор ва ишончли фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, бу лойиҳа-смета ва қурилиш-монтаж ишлари таннархининг пасайишига олиб келади, архитектура-режалаштириш тадбирларининг оптималлашишини таъминлайди.

Президент қарори халқимизнинг замонавий қулайликларга эга уй-жойли бўлишдек орзу-умидлари рўёбини таъминлайди. Бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади бўлиб, қишлоқ турмуш шароитларини шаҳардан қолишмайдиган даражада яратиш, айни чоғда инсон манфаатларининг устувор эканлигини таъминлашда долзарб аҳамият касб этади.

Ўз навбатида, биз, депутатларнинг олдида ҳам муҳим вазифа — сайловчиларимиз ва фуқароларимизга мамлакатимизда мазкур соҳада давом этаётган янги босқичнинг ва қарорда назарда тутилган имкониятларнинг мазмун-моҳиятини тўла-тукис етказишимиз мақсадга мувофиқдир.

**Азамат ПАРДАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

## 4 ДЕКАБРЬ — САЙЛОВ КУНИ

*Мамлакатимизнинг Корея Республикасидаги элчихонаси томонидан "Корея — Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси билан ҳамкорликда шу йилнинг 4 декабрь куни бўладиган Ўзбекистон Президенти сайловига бағишланган тақдимот маросими ўтказилди. Унда Жанубий Кореянинг сиёсий, академик ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.*

# «Ўзбекистон эркин ва адолатли сайловларнинг қонуний асосларини ривожлантириш соҳасида катта тажрибага эга»

Тадбирда иштирокчилар эътиборига тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш йўлида эришган муваффақиятларимиз тақдимоти ҳавола қилинди.

Тақдимотга ташриф буюрганлар Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ҳамда Марказий сайлов комиссияси фаолияти билан яқиндан танишдилар. Қайд этилганидек, мамлакатимизда сиёсий ва ҳуқуқий тизим изчил модернизация қилиниши натижасида замонавий демократия тамойилларига жавоб берадиган ҳамда фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини кафолатлайдиган миллий сайлов тизими яратилди. Анжуман қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатнинг бундан кейинги демократик ўзгаришлари йўлида ҳам муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этишди.

Тадбирда сўзга чиққанлар давлат раҳбари лавозимига номзодларнинг барчасига оммавий ахборот воситалари орқали ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш йўли билан ўзларининг сайловолди дастурларини жамоатчиликка етказиш юзасидан тенг имкониятлар берилишини кўрсатиб ўтишди. Таъкидланганидек, сайлов жараёнининг шаффофлиги, очиқлиги ва ошкоралиги таъминланишида халқаро ва хорижлик кузатувчилар ҳамда журналистлар фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

**"Корея — Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси раиси, "Shindong Enercom" компанияси президенти Ким Юн Сук** тарихан қисқа давр ичида Ўзбекистон нафақат ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда, балки давлатнинг демократик асосларини мустаҳкамлаш борасида ҳам салмоқли муваффақиятларга эришганини қайд этди.

— Республикада халқаро андозаларга тўла мос бўлган миллий сайлов тизими шаклланган, — деди у. — Кўпгина мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда Марказий сайлов комиссияси доимий равишда фаолият кўрсатадиган конституциявий орган ҳисобланади. Бу сайлов жараёнини демократия тамойиллари асосида ташкил этиш учун улкан имкониятларни беради. Мен Ўзбекистондаги парламент ва Президент сайловларида кузатувчи сифатида қатнашиш имкониятига эга бўлганман ҳамда шу боисдан ҳам улар умумэътироф этилган меъёрларга тўла мос келишига гувоҳ бўлганман. Ишончим комилки, бўлажак Президент сайлови мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

**Конкук университети профессори Жун Сун Хван** ушбу тақдимот маросими чоғида Ўзбекистон Президенти сайловининг аҳамияти билан боғлиқ фойдали маълумотлар олишга муваффақ бўлганини айтди. Унинг эътироф этишича, мустақил тараққиёт йиллари давомида Ўзбекистонда эркин ва адолатли сайловларнинг қонуний асосларини яратиш ҳамда уларни ривожлантириш бўйича катта амалий тажриба тўпланган. У ривожланган демократик давлатлардаги андозаларга тўла мос келади.

Ўз навбатида, **"Юидо" университети сиёсий маслаҳатлашув кенгаши раиси Бэй Сок Нинг** ҳам мамлакатимизда мустаҳкам сайлов қонунчилиги шаклланганини ва у сайловларни ўтказиш бўйича бой амалий тажрибага асосланганини таъкидлади. "Бундан ташқари, мамлакатда рўй берган демократик ўзгаришлар натижасида фуқароларнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти юксалгани ҳам кузатилмоқда" деди у.

**«Жаҳон» АА.**
Сеул

# Тадбиркорлик субъектлари ва илғор технологиялар

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат этувчи ҳужжатларни топшириш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

**ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ**

Парламент қуйи палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ҳамда идоралар масъул ходимлари, ҳуқуқ ва ахборот технологиялари соҳалари мутахассислари, бизнес, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонини амалда ижро этишга оид вазифалар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, мазкур Фармон хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва унинг дахлсизлиги кафолатининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун барча зарур шарт-шароит яратишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эгадир. Ушбу ҳужжат билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулкни ҳар томонлама муҳофаза қилиш ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир комплекс чора-тадбирлар дастурида белгиланган устувор вазифалар қаторида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш ва соддалаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ташаббуслар ҳамда тавсияларни ишлаб чиқиш, жумладан, мазкур ҳаракатларни Интернет жаҳон ахборот тармоғи ёрдамида амалга ошириш каби масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Давра суҳбатида мамлакатимизда бизнесни рўйхатга олиш тартибини янада такомиллаштиришга оид қатор чора-тадбирлар рўёбга чиқарилгани таъкидлаб ўтилди. Чунончи, рўйхатдан ўтказиш муддатлари ва уни амалга ошириш учун зарур тартиб-тамойиллар сони қисқартирилди, дастлабки устав капиталини шакллантириш, муҳр ва штампни нотариус тасдиғидан ўтказиш, кичик бизнес субъектлари учун банкларда ҳисоб рақамларини очишда тўловларни амалга ошириш бўйича талаблар бекор қилинди. Бундан ташқари, 2014 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилган бўлиб, бунда рўйхатдан ўтиш учун барча зарур ҳужжатни илова қилган ҳолда ариза бериш, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларини электрон шаклда тақдим этиш имконияти мавжуд.

Тадбиркорлик субъектларига сифатли электрон давлат хизматларини тақдим этиш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутиши қайд этилди. Ариза берувчилар билан бевосита электрон шаклдаги мулоқотнинг жорий этилиши коррупцияга қарши курашиш, тадбиркорлик фаолиятини юритишга оид тўсиқларни бартараф этиш, фуқаролар ва ишбилармонларнинг давлат органларига нисбатан ишончини янада мустаҳкамлаш учун зарур шарт-шароитлар яратиб беради.

Якунда тадбиркорлик субъектларини Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнларини тартибга солувчи қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Талаб ва эҳтиёж уйғунлиги

Жорий ўқув йилидан бошлаб Мирзаобод иқтисодий-ижтимоий касб-ҳунар коллежи хизмат кўрсатиш йўналишига ихтисослаштирилди.

Бунда, албатта, ҳудудда мазкур соҳа мутахассисларига йил сайин талаб ортиб бораётгани ҳисобга олинди. Ҳозир ушбу таълим муассасаси ўқувчилари эркаклар ва аёллар сартарошлиги, компьютер муҳандислиги, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш каби ихтисосликлар бўйича касб ўрганмоқда.

**ТАЪЛИМ**

Мирзаобод гидромелиорация касб-ҳунар коллежида эса "Ўзбекистонда касбий кўникмаларни ривожлантириш" Ўзбекистон — Швейцария қўшма лойиҳаси доирасида "Гидротехник иншоотлар ва насос станцияларига хизмат кўрсатиш техниги" йўналиши очилди. Шунингдек, Гулистон қурилиш касб-ҳунар коллежида коммунал хўжалиги объектларидан фойдаланиш бўйича ҳам таълим олиш йўлга қўйилди.

— Вилоятимизда 47 та коллеж мавжуд, — дейди Сирдарё вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бош мутахассиси Умид Абдуллаев. — Уларда 83 та мутахассислик бўйича назарий ва амалий машғулотлар олиб борилаяпти.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Бағрикенглик ва ғамхўрликнинг юксак намунаси

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мазкур ҳужжат ўз моҳиятига нафақат демократик жамиятнинг устувор тамойилларини, айни чоғда кўп асрлик миллий қадриятларимиз ҳамда бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби халқимизга хос олий фазилатларни мужассам қилган. Хусусан, унда аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаганлар, 60 ёшдан ошган эркаклар ҳамда чет давлат фуқароларини жазодан озод қилиш назарда тутилганининг ўзиёқ унинг нечоғли ушбу тамойилларга мослигини кўрсатиб турибди.

Бош прокуратурада қарор ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган идоралараро йиғилишда шулар хусусида атрофлича сўз юритилди. Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, Вазирлар Маҳкамаси, Омбудсман, Олий суд, Адлия, Ички ишлар, Соғлиқни сақлаш ва Меҳнат вазирликлари, жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, прокуратура органлари, Давлат солиқ ва божхона қўмиталари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

— Амнистия актини қўллашда қонунбузарлик ва суиистеъмолчиликка йўл қўймаслик ҳамда фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш муҳим ҳисобланади, — дейди Бош прокуратура бошқарма катта прокурори Байрам Науризбаев. — Шу маънода, бугунги тадбир ҳар бир иштирокчи учун жуда фойдали бўлди, деб ўйлайман. Чунки бу ерда қарор мазмун-моҳиятидан ташқари, амнистия актини қўллаш жараёнида ошкоралик ва жамоатчилик назоратини таъминлаш, хатоликларга йўл қўймаслик ҳамда ходимларнинг масъулиятини ошириш масалалари бўйича зарур тавсиялар берилди. Буларнинг барчаси қарор ижросини таъминлаш билан боғлиқ фаолиятимизда қўл келиши, шубҳасиз.

Тадбирда амнистия акти қўлланиши устидан жамоатчилик назоратини ва уни қўллаш тартиб-таомилларининг ошкоралигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга эканлиги ҳам алоҳида таъкидланди. Бу борада судлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва мутасадди идоралар ҳамкорлигида муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда. Аввало, жазодан озод этилган шахсларнинг ижтимоий кўникмаси ҳамда ҳимоясига оид чораларни ўз вақтида, самарали бажариш мақсадида жойларда ҳуқуқ-тартибот идоралари, судлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролар йиғинлари раҳбарларидан иборат ҳудудий комиссиялар тузилди. Озодликка чиққан шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича кенг кўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилади.

Шунингдек, қарор очиқ ҳамда ошкора қўлланиши устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида сенаторлар, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, Омбудсманнинг минтақавий вакилларидан иборат ишчи гуруҳлар ташкил этилди. Ҳозирги пайтда ушбу гуруҳлар аъзолари жазони ижро этиш муассасаларида бўлиб, маҳкумлар билан суҳбатлашмоқда. Уларнинг шахсий йиғмажилдлари билан танишиш, суриштирув, дастлабки тергов органлари иш юритувидаги терговга қадар текширув материаллари ҳамда жиноят ишлари билан танишиш, озод қилинган шахслар билан олиб бориладиган ишларни мониторинг қилиш ва ушбу жараённи оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳам бажармоқда.

— Мазкур қарорга фақат маҳкум ёки жиноят содир этган шахсни жазодан озод этишни кўзда тутувчи ҳужжат сифатида қарамаслик керак, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Ботир Матмуратов. — Зеро, у жазодан озод этилган шахсларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунончи, озодликка чиққан шахсларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни ишга жойлаштириш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни Саховат ҳамда Мурувват уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналар, ҳомийлик ва васийлик органларига топшириш, зарур ҳолларда таълим муассасаларига юбориш каби қатор чоралар кўрилади. Бунда прокуратура, суд, ички ишлар органлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва фуқаролар йиғинларининг ўзаро ҳамкорлиги қўл келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, тадбирда бу борадаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш юзасидан зарур фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бу қарор ижроси жараёнида иштирок этадиган ҳар бир масъул ходим учун айни муддаодир.

Идоралараро йиғилишда амнистия актини қўллашда тегишли давлат ҳамда жамоат ташкилотлари ходимлари вазифалари, масъул идоралар ходимлари билим ва кўникмаларини янада мустаҳкамлаш мақсадида ўқув-семинарларни мунтазам ташкил этиш, жазодан озод қилинган шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш ҳамда уларни ишга жойлаштириш каби долзарб вазифалар ҳам батафсил таҳлил қилинди.

Тадбирда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ИФТИХОР

*Юртимиздаги кўҳна обидалар, муқаддас қадамжолар, замонавий иншооту масканлар ҳар биримизда, қолаверса, хорижлик меҳмонларда ҳам ҳайрат ва ҳавас уйғотади. Улкан янгиланишлар, асрларга татигулик ишлар салмоғи шунчалик кўпки, таърифу таснифига сўз етмайди. Хусусан, Қашқадарё вилояти марказида ҳам кейинги йилларда кенг бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Бир пайтлар тош-бетонлардан иборат бўлган ушбу кент гулзорларга бурканди.*

# Халқимиз матонати тимсоли



Қарши шаҳрининг Мустақиллик номи билан аталувчи бош майдони ҳудуднинг энг диққатга сазовор манзилларидан бирига айланди. Негаки, бу ернинг ўзига хос ландшафт дизайни, бетакрор меъморий ечими ҳамда мусиқа оҳангларига уйғун равишда, камалак рангида товланувчи жилвакор фавворалари кишига кўтаринки кайфият бағишлайди.

Бундан роппа-роса ўн йил олдин майдон тўрида "Эл-юрт таянчи" монументи қад ростлади. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг ташаббуси ва ғояси асосида барпо этилган ушбу ёдгорлик оддий ўзбек оиласига, ўзининг оғир ва машаққатли меҳнати билан шу юртни обод этган Қашқадарё аҳлига қўйилган ноёб ҳайкалдир. Ундаги ҳар бир сиймо ҳамда бадиий чизгилар халқимизнинг кўп асрлик тарихи, ўзбек оиласининг мардлиги ва матонатидан сўзлайди.

Дарҳақиқат, оила — муқаддас қўрғон. Барча эзгулик ибтидоси, манбаи, ҳаёт бардавомлигининг асосидир у. Шу боис юртимизда оила улуғланади, уни асрабавайлаш, мустаҳкамлаш чоралари кўрилади. Айниқса, истиқлол йилларида ушбу масала давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишлари қаторидан жой олди. Бунинг самараси хонадонларимиздаги аҳиллик, тотувлик, файзу барака мисолида яққол намоён бўлмоқда. Қолаверса, шу пайтгача ҳеч бир мамлакатда жамият пойдевори саналмиш оилага мукаммал ҳайкал қўйилмаганининг ўзиёқ Ўзбекистонимизда инсон манфаатлари олий қадрият эканлигининг яна бир тасдиғидир.

Монументга назар соламиз. Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Равшан Миртожиев ва у бошчилигидаги ҳайкалтарошлар гуруҳи томонидан бунёд этилган ушбу маҳобатли обидада бир-бирини асраб-авайлаб, елкадош бўлиб, ҳар қандай мушкул вазиятда ҳам ўзига ишониб яшаётган ҳамда юртини бутун дунёга танитиб, халқимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлиб қолаётган бағрикенг оилалар аъзолари тимсоли гавдалантирилган. У ўзида чўл синовлари ҳамда қийинчиликларида тобланган воҳа аҳлининг юксак сабот ва матонати, орзу-умидлари, буюк келажакка бўлган ишончини тўла-тўкис мужассам этган. Хусусан, оила бошлиғи сийратида бор куч-қуввати ва меҳрини оиласи ҳамда фарзандларига, эл-юртига бахш этган, қўли қадоқ, бағрикенг, фидойи, заҳматкаш ота, она тимсолида эса мунис ва меҳрибон ўзбек аёли сиймоси ёрқин акс этган. Монумент пойидаги тегирмон тоши замонлар алмашинуви, авлодлар бардавомлиги билан бир қаторда, ризқ, барака, фаровонлик рамзини ифодалайди.

Таъкидлаш керакки, ушбу бетакрор маданий ёдгорликнинг шаҳар бош майдонида қад ростлаши вилоят марказидаги улкан бунёдкорлик ишларининг ғоявий тарихини белгилаб берди. Обида очилган кундан буён ўтган вақт мобайнида Қарши шаҳри истиқлолнинг беқиёс қудрати ҳамда халқимиз бунёдкорлик салоҳиятидан далолат берувчи замонавий ва навқирон шаҳарга айланди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2013 йил 25 июлдаги "Қарши шаҳрининг йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва қурилишининг истиқболли режаси дастури тўғрисида"ги қарори мазкур кент тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлди. Ушбу ҳужжат асосида шаҳар ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилди. Ўзбекистон, Мустақиллик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод каби шоҳкўчалар кенгайтирилиб, улар атрофидаги илгари тартибсиз қурилган эски иморатлар ўрнида замонавий тураржойлар барпо этилмоқда. Бинокорлик ишларида бетакрор меъморлик услубларидан кенг фойдаланилганлиги шаҳар кўринишига алоҳида ранг-баранглик бағишлаётир. Яшил ҳудудлар кўпайтирилиб, мусиқали фавворалар бунёд қилинаяпти.

"Эл-юрт таянчи" монументи — Қашқадарё вилоятининг ўзига хос рамзи. Бу улуғвор ҳайкал вилоятга ташриф буюраётган меҳмонларда ҳам ажиб таассурот қолдирмоқда. Шу боис унинг пойидан гуллар аримайди. Сайёҳлар ушбу мажмуани зиёрат қилиб, халқимизга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатмоқда. Энг муҳими, бу ерда акс этган ҳаёт ҳақиқати замонлар ўтса-да, бутун жаҳонга ушбу гўзал заминнинг боқий қадриятлари боис абадиятга дахлдор эканини англатиб туриши, шубҳасиз.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Фракциялар 2017 йилги Бюджетнома ҳамда Бандлик дастури лойиҳаларини муҳокама қилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бу эса тадбиркорлар тасарруфида келгуси йилнинг ўзида қарийб 500 млрд. сўмга яқин маблағларни қолдириш имконини бериб, уларга ўз айланма маблағларини тўлдириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик қайта жиҳозлашни амалга оширишлари учун қўшимча манба бўлиб хизмат қилади.

2017 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилишини молиялаштириш учун давлат бюджетидан маблағлар ажратиш ҳам назарда тутилганлиги мазкур молиявий ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори ижросини самарали таъминлашга қаратилган.

**Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси** вакиллари 2017 йилги Бюджетнома лойиҳасида бюджет маблағларини самарали режалаштириш, улардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга ҳамда бюджетлараро муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган аниқ чоралар мўлжалланаётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Хусусан, ўрта махсус таълим муассасаларини молиялаштиришда ягона ёндашувни таъминлаш мақсадида, маҳаллий ҳокимият органларининг касб-ҳунар коллежларини молиялаштириш ваколатларини республика бюджети тасарруфига ўтказиш кўзда тутилмоқда. Бу эса касб-ҳунар коллежларининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш, уларда таълим сифатини ошириш имконини беради.

Шунингдек, ижтимоий нафақаларни, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва бошқа бир қатор харажатларнинг туман (шаҳар) даражасидан вилоят даражасига ўтказилаётганлиги бюджет маблағларини туманлар ўртасида тенг ва мақсадли тақсимлаш, бюджет маблағлари сарфланишида изчилликни ошириш ва пировард натижада маҳаллий бюджетларнинг субвенция улушини сезиларли камайтиришга хизмат қилишига эътибор қаратилди.

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси** аъзолари 2017 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ижтимоий йўналтирилганлигини қайд этиб, соҳага ажратилаётган маблағлар кўлами янада оширилганлигини таъкидлашди.

Фракция вакиллари келгуси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи тўловлари, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини инфляция даражасидан юқори миқдорларда оширилишининг изчил давом эттирилиши, шу орқали аҳоли турмуш даражасининг юксалишига хизмат қилишини билдирдилар.

Ўз навбатида, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда ўқув юкламаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги таклифларга алоҳида эътибор қаратдилар. Ўқув юкламасининг ошиши уларнинг педагогик иш юкламаси камайиши ҳисобига амалга оширилиб, таълим муассасасида ўқитиш жараёни самарасини янада юксалтириш билан бирга, ўқитувчиларнинг иш вақтидан оқилона фойдаланишига имкон яратади.

**Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси** депутатлари келгуси йил Давлат бюджети мамлакатимизнинг илмий-техник салоҳиятини тўлиқ ишга солишга қаратилганлигини алоҳида қайд этдилар. Соҳа ривожи учун 2017 йилда йўналтириладиган маблағлар жорий йилдагига нисбатан 13 фоиз оширилганлиги давлат илмий-техникавий дастурлари доирасида илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш учун муҳим молиявий асос бўлади.

Шунингдек, фракция аъзолари мактабгача таълим муассасаларида маҳсулотлар нархларининг пасайиши натижасида электрон савдолардан иқтисод қилинган ота-оналар бадалларидан тушумларнинг бир қисмини ушбу муассасалар моддий-техника базасини ривожлантиришга йўналтирилиши улардаги таълим-тарбия жараёнлари сифатини янада яхшилашга қаратилганлигини таъкидладилар.

Фракциялар йиғилишларида депутатлар ажратилаётган бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилиши, бунда солиқ ва назорат қилувчи органларнинг масъулиятини ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича парламент назоратини янада кучайтириш лозимлигини ҳам билдирдилар.

Фракциялар йиғилишларида, шунингдек, Ҳукумат томонидан киритилган 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама қилинди. Ушбу дастур лойиҳаси янгича ёндашув билан ишлаб чиқилганлиги эътироф этилиб, меҳнат бозоридаги талаб ва таклифни, жойлардаги ҳамда соҳалардаги мавжуд имкониятларни чуқур таҳлил этиш орқали, шунингдек, ўтказилган мониторинг натижалари, депутатларнинг назорат ишлари якунлари асосида шакллантирилганини ҳисобга олган ҳолда барча фракциялар томонидан маъқулланди.

2017 йилги дастур ҳар йилдагидан фарқ қилиши унинг концепциясида ҳам алоҳида кўрсатилган. Жумладан, жорий йил давомида меҳнат бозорида талаб ва таклифни баҳолаш бўйича чуқурлаштирилган ўрганиш ўтказилган. Туман ҳамда шаҳарлар учун келгуси йилда иш ўринлари яратишга ва ишга жойлашишга бўлган эҳтиёж ҳамда ушбу талабнинг таркиби аниқланган.

Депутатлар томонидан таъкидланганидек, дастурда рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган барча чоралар "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги давлат сиёсатининг принципларига тўлиқ мос келади. Дастурни ишлаб чиқишда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялар талаблари ҳам ҳисобга олинган.

Шу билан бирга, 2017 йилга мўлжалланган аҳоли бандлиги дастури аввалги йиллар тажрибасига таянган ҳолда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг бошқа дастурлари билан чамбарчас боғлиқликда ишлаб чиқилганлиги ҳамда унда ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш омиллари ҳам ҳисобга олинганлиги алоҳида қайд этилди.

Йиғилишларда депутатлар 2017 йил давомида дастур параметрларида белгиланган иш ўринларини ташкил этиш механизмлари, дастур мониторингини самарали юритиш юзасидан, шунингдек, масъул қўмитага бу борадаги назорат-таҳлил ишларини янада фаоллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар билдирдилар.

Тадбирларда келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари, шунингдек, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда 2017 йилга аҳоли бандлиги дастури лойиҳалари юзасидан фракцияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди. Мазкур масалалар Қонунчилик палатаси қўмиталарида ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

**Зиёда АШУРОВА.**

АНЖУМАН

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигида 2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ҳамда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизациялашга доир дастурнинг ижросига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.*

# ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРЛАР САМАРАСИ

Таъкидланганидек, ушбу дастур юртимизда коммуникация тармоқларини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг навбатдаги босқичини бошлаб берди. Пировардида замонавий инфратузилма объектлари, кенг ва равон йўллар қурилиши баробарида, иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолининг электр энергияси, ичимлик суви билан таъминланиш даражаси ортмоқда. Шунингдек, ҳаво ва темир йўл транспортининг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, кўрсатилаётган хизмат сифати тобора яхшиланаётгани эътиборга моликдир.

— Дастурга мувофиқ, беш йил давомида 150 та инвестициявий лойиҳани амалга ошириш, бунинг учун эса 9,8 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ ўзлаштирилиши кўзда тутилган, — дейди Иқтисодиёт вазирлиги бошқарма бошлиғи Рустам Наримов. — Шу мақсадда кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ўтган қисқа давр ичида кўплаб истиқболли лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Мароқанд — Қарши ва Самарқанд — Бухоро темир йўл участкалари электрлаштирилиб, юқори тезликда ҳаракатланувчи электропоезд қатнови йўлга қўйилгани, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига "Boeing 787-8 Dreamliner" самолёти олиб келингани, шунингдек, 376 км. узунликдаги автомобиль йўллари қайта таъмирлангани бунга мисол бўла олади.

Айтиш керакки, дастурга киритилган бирор лойиҳа эътибордан четда қолаётгани йўқ. Уларнинг ўз вақтида, изчил ижросини таъминлаш пайидан бўлинаяпти. Хусусан, жорий йил якунига қадар 302 та трансформатор пункти ва 320 километрлик электр тармоғини қуриш, битта юқори тезликда ҳаракатланувчи "Talgo-250" русумидаги поезд харид қилиш, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси паркини иккинчи "Boeing 787-8 Dreamliner" самолёти билан тўлдириш мўлжалланган. Бундан ташқари, 512 километрлик автомобиль йўллари таъмирланиб, А-380 автомобиль йўлининг Бухоро — Тўрткўл йўналишида 125 километр, М-39 трактининг Ғузор — Термиз йўналишида 50 километр, М-37 трактининг Самарқанд — Навоий йўналишида 16,7 километрлик масофадаги қисми қурилиши якунланади.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

# Ҳудуд салоҳияти намойиши

Чирчиқ шаҳрида пойтахт вилоятининг ҳудудий мева-сабзавот ярмаркаси давом этмоқда. Мазкур тадбир шу йилнинг 8 — 10 ноябрь кунлари "Ўзэкспомарказ" мажмуида бўлиб ўтадиган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркаси доирасида уюштирилган. Унда 70 дан зиёд фермер хўжаликлари, 25 та қайта ишлаш корхонаси ўзларининг 200 турдан ортиқ маҳсулотлари билан қатнашмоқда.

ЯРМАРКА

— Илк бор ўтказилаётган ушбу тадбирга янги ҳамкор ва харидорлар топиш мақсадида келганмиз, — дейди бекободлик фермер Абдушукур Нормуродов. — Шу боис жорий мавсумда етиштирилган энг сара маҳсулотларни намойиш этаяпмиз. Улар орасида кўкатларнинг 14, илдиз мевалиларнинг 10, карамнинг 7 дан ортиқ навлари бор.

Фермер етиштирган вазни 100 граммни ташкил этадиган карамнинг "Брюссел" нави билан бирга, 10 килограмм тош босадиган "Пекин" нави ва бошқа маҳсулотлар ярмаркада иштирок этаётган 100 дан ортиқ ижтимоий соҳа ташкилотлари вакиллари, 400 дан ортиқ харидорларда катта қизиқиш уйғотди.

Дарвоқе, харидорлар учун бу ерда бир қатор имтиёзлар яратилган. Жумладан, ярмарка майдонларининг ўзида келишилган нархлар бўйича қўшимча танлов ва тендер савдоларисиз шартномалар тузилади. Шунингдек, тадбир ижтимоий соҳа объектлари ва йирик корхоналарда куз-қиш мавсуми учун зурур озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини яратиш, фермер ҳамда боғбонларга келгуси йил учун шартномалар тузишда айни муддаодир.

Олти кун давом этадиган ярмарканинг ҳар томонлама муваффақиятли ўтишини таъминлаш мақсадида 10 га яқин номинациялар бўйича танловлар эълон қилинди. Унинг якунида ғолиблар ташкилотчилар томонидан диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирланади.

Ҳудудий ярмарканинг очилиш маросимида Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи И. Эргашхўжаев сўзга чиқди.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Республика ОИТСга қарши кураш маркази**

**Глобал жамғарма лойиҳасини амалга ошириш гуруҳи учун тақсимот ишлари бўйича мутахассис лавозими иш ўрнига такроран танлов эълон қилади.**

Республика ОИТСга қарши кураш маркази томонидан танлов комиссияси тузилган. Танловда қатнашиш истагидагилар резюмеларини қуйидаги манзилга юборишлари мумкин:

**Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Фарҳод кўчаси, 12-уй, Республика ОИТСга қарши кураш маркази биноси, 4-қават, Мустафаева Дилдора Асатовнага.**

***Резюме тақдим этиш муддати — 2016 йил 28 октябрдан 28 ноябргача.***

***Резюме ёпиқ/муҳрланган конвертда, конверт устида буюртма қайси лавозим учун берилаётганлиги кўрсатилган ҳолда тақдим этилади.***

***2016 йил 28 ноябрь куни соат 18.00 дан кечиккан буюртмалар кўриб чиқилмайди.***

Юқорида кўрсатилган лавозим учун техник вазифалар билан **www.uzmedinfo.uz** веб-сайтида танишиш мумкин.

1618R/687

**POS-ТИЗИМЛАРИ АВТОМАТЛАШТИРИШ**

**Micros®**




***ЖИҲОЗ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА АВТОМАТЛАШТИРИШ:***
- **савдо жойлари (магазинлар/супермаркетлар);**
- **бутик, ноозиқ-овқат маҳсулотлари савдоси;**
- **ресторанлар, кафе, барлар;**
- **фитнес-клублар, бильярдхоналар, боулинг ҳамда бошқалар.**




**Моноблоклар, кассалар, штрих-код сканерлари, чек принтерлари, савдо тарозилари.**
**Дастурий таъминот: Atol, Microinvest, Айтида. Автоматлаштириш «калити билан».**

**Маҳсулотлар сертификатланган.**
**Хизматлар лицензияланган.**

1149R/525

**Кичик Бешёғоч к., 86 (шаҳар ДЙҲХБнинг собиқ биноси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: (+99871) 281-43-65.**

**www.micros.uz; e-mail: scales@micros.uz, micros@micros.uz**

ЭЪЛОНЛАР

**«AUTO MEGA TRADE» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан 2015 йил 17 августдаги 8/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент гарнизони ҳарбий автомобиль назорати жарима майдончасида сақланаётган, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 P 596 DA бўлган, «Москвич ИЖ-412» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 253 994 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 14 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

**2.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан:

* 2015 йил 30 январдаги 1-43/2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани ЙҲХБ жарима майдончасида сақланаётган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами 20 M 472 BA бўлган, «ВАЗ-2101» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 614 000 сўм.***

* 2016 йил 26 июлдаги 24451/18-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Агабеков Бек транс» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 N 958 OA бўлган, «Gang he paich» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 5 660 750 сўм.***

* 2016 йил 16 майдаги 1-553/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Агабеков Бек транс» МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01 Y 621 PA бўлган, «Cobalt» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 39 550 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Тошкент вилояти Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Афзал омад инвест» МЧЖ омборида сақланаётган:

* 2016 йил 8 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, ишлаб чиқарилган йили номаълум, давлат рақами HT 056577 бўлган, «EE549113» русумли енгил автотранспорт тиркамаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 4 500 000 сўм.***

* 2016 йил 8 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами Y 744 XA 97 RUS бўлган, «Tico» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 772 000 сўм.***

**4.** Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан 2016 йил 12 апрелдаги 1-1879/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Алимкент кўчаси, 5-уйдаги «Ҳамкорбанк»нинг «Авиасозлар» филиали биносида сақланаётган, 2012 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 10 M 725 LA бўлган, «ГБА СПГ Daewoo labo» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 41 250 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 28 ноябрь куни соат 11.00 да ўтказилади.

Талабгорлардан аризалар соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 28 ноябрь куни ўтказиладиган савдо учун — 2016 йил 25 ноябрь куни соат 16.00 ҳамда 2016 йил 14 ноябрь куни ўтказиладиган савдо учун — 2016 йил 11 ноябрь куни соат 16.00.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Auto mega trade» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Марказий амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000900603278001, МФО: 01088, СТИР: 303877274.

***Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Маҳмуд Таробий кўчаси, 31-уй.***
***Телефонлар: (0-371) 254-69-13, 239-29-40.***

Гувоҳнома № 009293.

1615R/577

